«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Қизилтепа туман АБМК
бошкармаси бошлиғи
_____________ С.Т.Қодиров
“___” __________ 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун.

# Т А Н Л О В   Ҳ У Ж Ж А Т Л А Р И

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:


1. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
2. ТЕХНИК ҚИСМ
3. НАРХЛАР ҚИСМИ

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети; Қизилтепа туман АБМК бошқармасига қарашли насос станцияларда энергетика самарадорлигини ошириш мавзусида тадкикот ишларини бажариш ишларини бажариш 2022 йил май ойи давомида хизмат кўрсатиш.

1.2. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартиома тузиладн.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартиома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 90 кунга кадар

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қизилтепа туман АБМК бошқармаси (бундан кейин –«Буюртмачи» деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи" манзили: Қизилтепа тумани. Ўзбекистон шох кўчаси 37 уй. Эл.адрес: qiziltepa_abmk@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Қизилтепа туман АБМК бошқармаси “Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклилан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камила 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмета қийматинннг камида 15 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқукий лаёкат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасиниг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
- Бюджет ва солиқ органларидан карздорлиги мавжуд эмаслиги;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

қайта ташкил этилиш (ажратилиши. кўшилиш). тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирок» ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.танлов ҳужжатларида қуйдагилар тақдим этилиши лозим:

**Техник қисм**, «Буюртмачи» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган холда ёки ҳар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4.Қуйилаги ҳужжаглар тўлик бўлишни талаб этилади:

Техник ва ҳужжаг бўйича қуйидаги таклифлар;

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрлангаи ҳолда;
- Техник ҳужжаглар рўйхати (техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5.Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади.
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиши муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6.ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГ АРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳакикийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танлонда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни/хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилгаи бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадаи эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларинииг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларнн кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кунлан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4.Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилгаи шартлар асосида тузилади.